## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 486 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Ер қаъридан фойдаланилишини ва унинг муҳофаза қилинишини, ер қаъри геологик ўрганилишини ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланилишини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги янги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 17 декабрь,
301-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг конда хатардан қутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисмлари тўғрисида» 1993 йил 3 мартдаги 122-сон қароридаги ва қарорга иловадаги Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига кўрсатмалар «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарори 13-бандининг биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 1-модда) 1 ва 2-иловалар матнидаги Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси — «Саноатконтехназорат»га кўрсатмалар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига ва Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарорига 1 — 4-иловалар матнидаги Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси — «Саноатконтехназорат»га кўрсатмалар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига ва Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ «Геология ва маркшейдерлик хиз-

LexUZ

матлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 1 апрелдаги 168-сон қарорига 1-илова 8-бандининг бешинчи хатбошидаги ва 2-илова 8-бандининг бешинчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида низом матнидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимёвий қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги Конвенцияни рўёбга чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 6 июндаги 287-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги, шунингдек ушбу қарорга 2-илова IV бўлимининг еттинчи хатбошидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» 1997 йил 23 декабрдаги 558-сон қарорига 3-иловадаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш комиссиясини ташкил этиш ҳақида» 1998 йил 22 сентябрдаги 405-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги, шунингдек ушбу қарорга 2-илова V бўлимининг еттинчи хатбошидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 6-бандининг ўнинчи хатбошидаги «Ўзсаноатконтехназорат» давлат



Lex.Uz

қўмитаси» сўзлари «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 июндаги 315-ф-сон фармойишида:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 39-модда):

а) 2-банддаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

22-банднинг олтинчи ва тўққизинчи хатбошидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва махсус таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида» 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 10-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва махсус таркиблар транзитига рухсатномалар бериш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5 ва 31-бандларидаги «Са-



Lex.uz

ноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олтин қазиб олиш саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 апрелдаги 145-сон қарорининг 9-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда) 1-илова 10-бандининг «е» кичик бандидаги ва 2-илова 10-бандининг «е» кичик бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда) 1-илова 11-бандининг «е» кичик бандидаги ва 2-илова 10-бандининг «ж» кичик бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 12-бандининг учинчи — олтинчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда) билан тасдиқланган Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 8-бандининг «е» кичик бандидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш сақлаш ва реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 22-модда):

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқа-



Lex.Uz

риш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Схемасидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

2-иловадаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 24-модда):

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

2-иловадаги «Лавозимига кўра — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари «Ғуломов Б.В. — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 25-модда):

а) Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

3-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» ва «Саноатконтехназорат» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» ва «Саноатгеоконтехназорат» сўзлари билан алмаштирилсин;

Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги, 9-банднинг олтинчи хатбошидаги ва 16-банднинг биринчи хатбошидаги, шунингдек Низомга иловадаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловадаги «Лавозимига кўра — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари «Ғуломов Б.В. — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил

Lex.Uz

14 апрелдаги 181-сон қарорига 1-иловадаги «Саидов Р.Т. — Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг бош директори» сўзлари «Ғуломов Б.В. — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 46-модда) 2-бандининг еттинчи хатбошидаги, 3-бандининг иккинчи хатбошидаги ва 4-бандидаги ҳамда ушбу қарорга 2-илова 3-бандидаги, 11-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошидаги, 13-бандидаги ва 19-бандининг иккинчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

6 ва 9-иловалардаги «Лавозимига кўра — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари «Ғуломов Б.В. — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19 ва 21-иловалардаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1540-сон (2004) резолюциясининг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 сентябрдаги 424-сон қарори 1-бандининг биринчи хатбошидаги, 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 6-7-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13 ва 17-бандлардаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

в) Низомга иловадаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фой-



Lex.uz

даланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатининг «Масъул давлат органлари» устунидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 февралдаги 30-сон қарорининг 4-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 январдаги 24-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг «д» кичик бандидаги, 11-банднинг «б» ва «в» кичик бандларидаги, 15-банддаги ва Низомга иловадаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомнинг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Геология-қидирув ишлари олиб боришга ва қаттиқ фойдали қазилма конларини ишлатишга инвестицияларни янада жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 25 июндаги 142-сон қарорида:

1-илованинг 10-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;



Lex.uz

2-иловадаги «Холматов И.М. — «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари «Ғуломов Б.В. — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарорига 3-иловадаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 12-сон, 64-модда):

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

1 — 4-иловалар матнидаги ва уларга иловалардаги «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига кўрсатмалар «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидалари 10-бандининг иккинчи хатбошидаги, 11-бандининг биринчи хатбошидаги, 12-бандининг бешинчи хатбошидаги, 13-бандининг учинчи хатбошидаги, 14-бандининг бешинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошидаги 18, 19, 20-бандларидаги, 21-бандидаги, 23-бандининг биринчи хатбошидаги ва 24-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 25 июндаги 179-сон қарорининг 1, 2 ва 3-бандларидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2009 йил 13 августдаги 231-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 60-модда) 1-илова 5-бандининг учинчи хатбошидаги, 6-бандининг биринчи хатбошидаги, 7-бандидаги, 8-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 10, 11, 13 ва 14-бандларидаги, 2-илова 2-бандининг иккинчи хатбошидаги, 15, 21, 37, 47, 57, 62, 75, 77 — 80 ва 85-бандларидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 284-сон қарори билан тасдиқланган Ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 8-бандининг иккинчи хатбоши-

Lex.uz

даги, 11-бандининг иккинчи хатбошидаги, 12-банднинг биринчи хатбошидаги ва 13-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-илованинг «Вазирликлар ва идораларнинг номи» устунидаги «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Шакллантириш манбаи» устунидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 19-модда) 3-илованинг 6-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 майдаги 93-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари 23-бандининг биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 20 июлдаги 153-сон қарорига 1-иловада:

а) 4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4.38 ва 4.39-кичик бандларнинг «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

Lex.uz